



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 135 (12.948)

Баҳоси эркин нарҳда

ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА ХАЛҚИМИЗ БИРДАМЛИГИНИНГ САМАРАЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 30 июнь – 1 июль кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига сафарининг иккинчи куни Касби туманидаги «Камол Султон» фермер хўжалиги даласига ташриф буюрди.

Қашқадарёлик деҳқонлар бу йил 145 минг гектар майдонда галладан мўл ҳосил етиштирди. Шу кунларда ўрм-йиғим ишлари қизғин давом этмоқда. «Камол Султон» фермер хўжалиги алоҳида фалоллик кўрсатмоқда. 67 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб ҳосил олинмоқда.

Галлачиликда, айтиш мумкин, пахтачиликда ҳам муҳим бўлган мана шу кунларда сизлар каби меҳнаткаш деҳқонларимиздан ҳол-аҳвол сўраш, ҳорманглар, деб уларга мададкор бўлиш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари. Ерга, меҳнатга муносабат тубдан ўзгаргани, ер билан ишлаш ва деҳқончилик маданияти юксалгани мана шу обод даладарда, мўл-кўл ҳосилларда намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда 8 миллион тоннадан зиёд галла етиштирилмоқда. Бундай улкан хирмонни бунёд этишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бу, авваламбор, сизларнинг тинимсиз меҳнатингиз, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган ислохотлар, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик, халқимизнинг бирдамлиги самарасидир.

Собиқ тузум даврида Қашқадарё вилояти қоқоқ ҳудуд эди. Турли адолатсизликлар туфайли одамлар турмушдан норози, ҳаётдан ноумид бўлиб қолганди. Республикага газ етказиб берадиган вилоятда атиги 4 фоиз аҳоли табиий газдан фойдаланиш имконига эга эди, холос.

Бугунги кунда Қашқадарё ҳар томонлама ривожланган вилоятга айланди. Мамлакатимиз саноат маҳсулотининг қарийб 11 фоизи, дон ва пахтанинг катта қисмини айнан шу вилоят етказиб бермоқда.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Кечаги кунни унутмаслигимиз, уни бугунги кун билан солиштириб, ҳулоса чиқариб яшашимиз керак. Бу бизни огохликка, ҳаётнинг қадрига етишга, эртанги кун бундан ҳам фаровон бўлади, дея ишонч ва интилиш билан ҳаракат қилишга ундайди, деди Ўртбошимиз.

Президентимиз Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида амалга ошириладиган улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари «Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?» деган саволга жавоб эканини, улар вилоят қадриятини ўзгартириб, аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қарши шаҳрининг ҳудуди кенгайтирилмоқда. Янги автостанция ва вокзаллар, кўп қаватли уй-жойлар, боғ ва хиёбонлар, хизмат кўрсатиш объектлари, канализация ва коммунал хизматлари бунёд этилмоқда. Аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун янада кенг қулайликлар яратилмоқда.

Шаҳрисабзда ҳам улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Оқсарой мажмуаси атрофидаги майдон кенгайтирилиб, Чорсу бозори, Кўкғумбаз обидаларини боғловчи сўйим хиёбон барпо этилаётир. Шаҳарнинг сайёҳлик салоҳиятини янада ошириш мақсадида Қарши шаҳрига борадиган 129 километрлик замонавий йўл қурилмоқда.

Қашқадарё буюк Соҳибқирон Амир Темурни вояга етказган замин. Бу ерда у зотнинг авлодлари – ғурури баланд, мард ва танти одамлар яшайди, деди Ислон Каримов.

Президентимиз фермер ва ишчиларнинг меҳнат қилиши ҳамда дам олиши учун яратилган имкониятлар, оилавий шароитлари билан қизиқди. Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, узққини кўзлаб олиб бориладиган оқилона сиёсат ва изчил ислохотлар самарасида халқимиз турмуш даражаси муттасил юксалиб бораётгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари пахта ҳосили ривожига ҳам аҳамият қаратди. Қашқадарё иқлими ва тупроқ шароитига мос серхосил навларни кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Қамаш туманидаги «Бозор ўли Абди» фермер хўжалиги раҳбари Абдимурод Бозоров, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Январ Иноятлов, вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов, Касби туманидаги «Жизза замин нури» фермер хўжалиги раҳбари Тошпўлат Боқиев, Ғузур туманидаги «Зарбдор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раъно Жонкуватова, Шаҳрисабз туманидаги «Заргарлик» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Нодира Абдуллаева ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар самараси ҳар соҳада намоён бўлаётганини, одамларнинг турмуш тарзи, давлатимизнинг халқроқ нуфузи тобора юксалиб бораётганини фахр билан таъкидлади.

Ислон Каримов Косон туманидаги «Пудина мас-сиви» фермер хўжалиги даласида ҳам бўлди.

Ушбу хўжалик аъзолари бу йил 31 гектардан ортиқ майдонда галла етиштириб, унинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олди.

Мустақилликнинг илк йилларидан фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Фермерлар халқимиз ризқ-рўзини етиштириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қиладиган қудратли кучга айланди. Лекин фақат галла ва пахта билан юксак фаровонликка эришиб бўлмайди. Фермерларга янада кенг эркинлик бериш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантириш зарур, деди Ўртбошимиз.

Инсон бахт учун дунёга келади, деган ибора халқимиз орасида эзгу даъватга айланди. Одамлар ҳаётнинг маъносини тушуниб етмоқда, дунёқараши ўзгармоқда. Бугунги авлод билан саксонинчи йиллардаги одамлар ўртасида осмон билан ерча фарқ бор.

Яқинда Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингини етиш қилди. Ўзбекистон мазкур рейтингда 5-ўринни эгаллади. Халқимизнинг тинимсиз меҳнати, изчиллик билан олиб бориладиган кенг қўламли ислохотлар туфайли қўлга киритилган бундай улкан ютуқлардан ҳар биримиз фахрланиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳақлимиз, деди Президентимиз.

«Нуроний» жамғармаси Косон тумани бўлими раиси Раҳим Турдиев, «Обидийда» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Наби Бадилов, 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Зумрад Боймуродова, Қарши давлат университетини ахборот-ресурс маркази директори Роҳила Ҳалимова ва бошқалар бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қашқадарё вилоятидаги тараққиёт, ўзгаришлар одамларнинг кўнглини кўтарётгани, ҳаёт сифатини ошираётгани, янги марралар сари руҳлантираётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислон Каримовнинг Қашқадарё вилоятига сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар, уларда билдирилган фикрлар мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганини, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини муттасил юксалтиришга хизмат қиладиганини яна бир бор намоён этди.

Анвар САМАДОВ,
Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

ИСТИҚЛОЛИМИЗ, ФАХРУ ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

**2 июль – Ўзбекистон Республикаси
Давлат герби қабул қилинган кун**



...1992 йил 2 июль. Президентимиз Ислон Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги қонунга имзо чекди. Халқимиз ўзи истagan ва танлаган йўл – эркин, озод ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида яна бир муқаддас тимсолга эга бўлди. Бу билан мамлакатимиз мустақиллиги янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон халқи ўз қадр-қимматини, ғурурини, тарихи ва миллий қадриятларини чуқурроқ англай бошлади.

Ҳа, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида янги давлат, янги жамият қуриш йўлидаги ислохотлар жараёнида халқимизнинг миллий ғурурини кўтаришга, озод ва обод Ватан барпо этишга бўлган интилиши, шижоатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз рамzlари, жумладан, герб лойиҳаси ишлаб чиқиш, кенг муҳокамадан асосида қабул қилингани бу борада муҳим ишлардан бири бўлди. Шундан эътиборан давлатимиз герби тасвири муҳрларда ва давлат идоралари бланкаларида, расмий нашрлар

да, қоғоз ва танга пулларда, қимматли қоғозлар ва фуқаролик паспортларида ҳамда қонунда белгиланган бошқа ҳужжатлардан жой олмақда.

Ўзбекистон герби давлатимиз чегараларида ўрнатилди.

Аждодларимиз давлат тамғасини азалдан муқаддас билган. Маҳмуд Қошғарий «Девону луготит турк» асарига тамғани «подшоҳнинг ҳукмдорлик муҳри», деб изоҳлаган. Соҳибқирон Амир Темур тамғасида «Куч – адолатда» ёзуви муҳрланган. Улуг бобомиз салтанат асосини ана шу хизмат асосига қўрган. Буларнинг барчаси давлат тамғаси халқимиз ҳаёти ва миллий давлатчилик тарихимизда озошлик, ғурур-ифтихор ва орномус тимсоли бўлганидан далоятдир.

Гербимиздаги ҳар бир ранг, чизиқ, белги чуқур рамзий маънога эга. Баланд тоғлар орасидан оқаятган дарёлар – ҳаёт боқийлиги рамзи бўлса, гербнинг сўл томонидаги бугдой бошоқлари ризқ-рўзимиз бутунлигини, ўнг томонидаги қийғос очилган пахта ўртдошларимиз қалби, нияти поклигини, бекиёс бойликлариимизни акс эттиради.

Гербнинг юқори қисмида мамлакатимиз жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Мусамман ичиндаги ярим ой – қўлга киритилган мустақиллигимизни, юлдуз халқимиз ҳамиша қимликка интилиши ва саодатга элтувчи йўлни танлаганини билдиради. Бу тимсоллар миллий анъана ва қадриятларимизнинг боқийлиги, маънавиятимиз юксаклиги, ирода ва эътиқодимиз мустаҳкамлиги рамзидир.

(Давоми 2-бетда)

Президентимиз Ислон Каримов матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригиде одамийлик, инсонни қадрлаш, меҳр-оқибат, барикенглик каби юксак қасдларни ёшларнинг онги ва қалбига чуқур сингдиришда, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида баркамол инсонлар этиб тарбиялашда медиа соҳа ходимларининг билим ва тажрибаси, профессионал маҳорати, гражданлик позицияси муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛАНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган «Маҳалла институтининг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни» мавзусидаги ўқув-семинарда ушбу жиҳатлар эътибор марказида бўлди.

Ўқув-семинарда депутатлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши мутахассислари, эксперт ва олимлар қатнашди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида изчиллик билан амалга ошириладиган ислохотлар жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш масалаларига катта эътибор қаратиладиганини таъкидлади.

Мамлакатимизда яратилган миллий қонунчилик фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, фуқаролар сиёсий онгини юксалтириш,

ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш, бандлик, аҳолининг алоҳида эҳтиёжли қатламларини қўллаб-қувватлашга доир ишларни давр билан ҳаммадам йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Соҳага кўрсатиладиган эътибор самарасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), масъул котиби, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларга кўра маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида йиғин фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ўнга яқин комиссия самарали иш олиб бормоқда.

Интерфол усулда ўтказилган семинарда иштирокчилар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асослари, уларнинг оилада, маҳаллада барқарор маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга доир бошқа масалаларни ечиш борасидаги ишлари билан танишди. Ахборот-таҳлилий материалларнинг тайёрланишида тезкорлик, долзарблик, фуқаролар мувожаатлари бўйича ишлаш каби жиҳатларга эътибор қаратилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, таълим муассасалари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида табиий бойликлардан самарали ва оқилона фойдаланиш, экологик тоза энергия манбаларини ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга ошириладиган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

● Самарқандда «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда иштирокчилар энг фаол ёш фермер, дастурчи, шифокор, олим, маданият ходими, архитектор, тадбиркор номинаниялари бўйича ўз ташаббус ва лойиҳалари, илмий ишланма ва инновацион гоёлари ҳақида маълумот берди.

● Фарғона вилояти ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази «Био-сервис» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишда қўлланиладиган макро ва микро элементларга бой биоўғит ишланмасини яратди. Мазкур ишланма мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудларида тажрибаси сифатида синовдан ўтказилди ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

● Гулистон 2-академик лицейида «Энг яхши китобхон» кўрик-танлови ўтказилди. Танлов сўнггида ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан тақдирланди.



● Tom's Guide экспертлари энг тез ишлайдиган смартфонларни аниқлади. Бунинг учун улар олти етакчини тўққизта йўналиш бўйича синаб кўрди. Рейтингда тўққизта синовдан олти тасида биринчилигини эгаллаган Samsung Galaxy S6 Edge ғолиб бўлди ва «Дунёдаги энг тез смартфон» номига эга бўлди. Ундан кейинги ўринни деярли барча синовларда етакчи поғоналарни забт этган LG G4 эгаллади.

● Audi компанияси Part-Time Scientists муҳандислар гуруҳи билан бирга Audi lunar quattro номини олган Ойда ўзйорар қурилма ишлаб чиқди. Қурилма 2017 йилда Ернинг табиий йўлдошига учурилиши режалаштирилган. Амалда тўлиқ алюминийдан ташкил топган конструкция мунтазам тўлиқ узатма, тўрт электромотор, литий-ионли аккумуляторлар блоқи, батареяларни қувватлантириш учун зарур бўлган ҳаракатланувчи куёш панели ва иккита стереоскопик камера билан таъминланган.

● Май ойида режалаштирилганидек, Google ўзининг ҳайдовчисиз автомашиналарининг сўнгги прототипларини Калифорниянинг умумий фойдаланишдаги йўллариде синовдан ўтказишга киришди. Ўтган йили биринчи марта намоиш қилинган янги автомашина прототипи Googlening анчадан буён синовдан ўтаётган модификацияланган Lexus паркига қўшилади.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ БЎЛИБ ЎТДИ

Куни кеча «Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши, унинг доимий комиссиялари ва депутатларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар депутатлар гуруҳлари раҳбарлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Унда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши фаолиятини янада тақомиллаштириш, ҳудудлар учун долзарб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган масалалар, яъни ҳудудий муаммоларни доимий комиссия мажлисида ёки халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши сессиясида муҳокама қилишда сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг иштирокига оид маърузалар тингланди.

Шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари ишини ташкил этиш ва улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижро этилиши устидан тегишли назорат олиб бориш, шаҳар Кенгашининг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш, депутатлик сўровини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда бошқа долзарб масалалар атрофида кўриб чиқилди.

Семинар-тренинг кун тартибидagi масалалар бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари И.Бердибеков, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини масалалари раҳбари Д.Аюпов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссия аъзоси М.Раҳматуллаева, шаҳар Кенгаши депутати, Сенатнинг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ишчи гуруҳи раисининг ўринбосари Т.Матиев, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси доценти Ш.Асадов, Давлат бошқаруви академиясининг катта ўқитувчиси Д.Бекчанов, Давлат бошқаруви академияси тингловчиси А.Махмудов, сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари вакиллари ва бошқаларнинг маърузалари ҳамда фикр-мулоҳазалари тингланди.

Семинар-тренинг якунига кўра, шаҳар Кенгаши ҳамда унинг доимий комиссиялари ва депутатларининг фаолияти самардорлигини янада оширишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ҳамда тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартиришнинг энг муҳим манбасидир. Мамлакатимизда бу борада тўпланган тажриба иқтисодиётнинг ташқи омилларида боғлиқлигини камайтириш, ички эҳтиёжни шакллантириш ва бозорларимизни зарур истеъмол товарлари ва бошқа маҳсулотлар билан тўлдиришга йўл очаётди. Ташкил этилаётган ишлаб чиқариш қувватларининг тўлиқ фаолият кўрсатиши аҳоли бандлигини таъминлаш, валюта ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланишда муҳим роль ўйнамоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

«ARITEKS» МАҲСУЛОТЛАРИ ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСМОҚДА

Саноат ишлаб чиқаришида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми жадал ўсиб бораётгани бунинг тасдиғидир. 2005 йилда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар 9,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич қарийб 20 фоизга етди. Бунга мамлакатимизда кейинги ўн йил давомида Президентимиз қарори билан ҳар йили маҳаллийлаштириш дастури қабул қилиниб, унинг ҳаёта изчил татбиқ этилаётгани туфайли эришилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 11 февралдаги қарори билан тасдиқланган маҳаллийлаштириш дастурида ўзлаштирилиши ва ишлаб чиқарилиши зарур бўлган маҳсулотлар кўрсатилган.

Айни пайтда мазкур дастур ижроси изчил таъминланмоқда. Пойтахтимизнинг Яққасарой туманида жойлашган, «Ўзбекгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси тизимига кирувчи «Aritek» масъулияти чекланган жамияти бу борада самарали фаолият юритаётди.

— Корхонамиз ўз фаолиятини 2004 йилда бошлаганда даставвал тайёр хомашёдан қўлқоплар ишлаб чиқарилган, — дейди корхона бош директори ўринбосари Аҳмад Зиёев, — Маҳсулот сотилишдан тўшаётган маблағ салмоқли бўлса-да, биз талабни ўрганиб, ички бозорда тақчил бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни мақсад қилдик. Шу тариқа илк бор филтрловчи матолар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тез орада йирик кон-металлургия комбинатлари, ёғ-мой ишлаб чиқарувчи қўллаб қорхоналар доимий мижозимизга айланди.

Корхонанинг 2006 йилда маҳаллийлаштириш дастурига киририлгани ички бозорда талаб юқори бўлган техник тўқимачилик матолари ишлаб чиқаришига туртки бўлди. Бунинг учун Польша, Тайвань, Россия давлатларидан мураккаб тўқимаш дастгоҳлари келтирилди. Дастлаб корхона полипропилен илдан тўқилган филтрловчи техник матоларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирган бўлса, кейинги йилларда қабул қилинган маҳаллийлаштириш дастурига асосан турли суяқликлар, кислоталар, суспензиялар ва эритмаларни филтрлаш учун пахта қалаваси ва сунъий (синтетик) иллардан йиғирма хилдан ортқ филтрловчи матолар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Йилдан йилга импорт ўрнини босувчи, саноатбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўлими кенгайиб бораётди.

Кейинчалик техник ленталар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ҳамда ишча илдан ҳам ленталар тайёрланди. Булар электр трансформаторларнинг устки қатламини ўраш, кабелларда изо-

ляция сифатида ишлатилади. Корхона ўтган йили юқори ис-

сиқликка чидамли метаарамид техник матоларни ўзлаштирди. Шу ўринда юқори даражадаги иссиқликка чидамли матолар хусусиятига тўқилиб ўтас. Бу мато асосан металлургия саноати учун зарур бўлиб, ундан ишчиларга махсус кийим-бош тикилади. Боиси металл эритиш жараёнида иссиқлик 500 даража ва ундан зиёда ташкил этади. Махсус кийим металлургнинг хавфсизлигини таъминлайди. Бу мато илгари фақат хориждан олиб келинган бўлса, айни пайтда «Aritek» бу борада ички бозордаги эҳтиёжни тўлиқ қондирмоқда.

Бундай ноёб маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхона айлан-ма маблағларининг йил сайин ўсиб боришига йўл очди. Корхона ўз фаолиятини бошлаганда унинг низоми жамғармаси 30 миллион сўмини ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 1 миллиард 750 миллион сўмдан ошди.

Жорий йилги маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ корхона мутахассислари янада ноёб бўлган, шу пайтгача юрти-мизда ишлаб чиқарилмаган маҳсулотлар устидан иш олиб бормоқда. Қўйилган мақсадга эришиш учун жами 6 миллиард 400 миллион сўмлик инвестиция киритилиши мўлжалланган лойиқа тайёрланди. Бунинг учун корхона ўз маблағидан ташқари «Хамкорбанк» акциядорлик тижорат банкининг молиявий қўмағига таянмоқда.

Давлатимиз яратиб берган иқтисодий преференциялардан фойдаланиб энг замонавий тўқимачилик ускуналари Швейцария, Бельгия, Германиядан олиб келинди. Булар ҳали маҳаллийлаштирилмаган турли янги матоларни ўзлаштиришга йўл очмоқда.

Экологик муҳитни сақлаш ва уни муҳофаза қилиш мақса-дида зарарли газлар чиқишининг олдини олиш учун корхона янги нотўқима материаллардан фойдаланиб, енгисмон филь-трловчи ҳопламаларни тайёрлашни йўлга қўймоқчи.

Айни пайтда корхонада саноат соҳаси ишчи-ҳодимлари учун уларнинг иш жараёнига мослаштирилган, яъни зарарли таъки муҳитдан сақловчи махсус кийимлар тикишга мўлжал-ланган матолар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилган.

Бундай маҳсулотларнинг тез орада ишлаб чиқарила бош-лаши корхона фаолиятининг янада кенгайиши, юз кишидан зиёд ишчилар сони ортишига, ички бозорда янги маҳсулот-лар пайдо бўлишига замин яратади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА ИМКОНИЯТЛАР

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодиётимиз тараққиётида муҳим омилдир. Шу боис юртимизда мазкур соҳага эркинлик бериш, барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш билан бир қаторда ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлик субъектларида вужудга келаётган муаммоларни бартараф этиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ана шу вазифаларни ба-жариш мақсадида республи-камизнинг барча ҳудудлари-да тадбиркорлар ва мута-садди ташкилотлар вакил-лари иштирокида турли тад-бирлар, давра суҳбатлари, семинар ва учрашувлар ўтказилмоқда. Худди шун-дай тадбирлардан бири Уч-тепа туманида бўлиб ўтди.

Бугунги кунда аҳолига истеъмол моллари ва кун-далиқ эҳтиёжи учун керак-ли барча товарларнинг де-ярли 80-85 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбир-корлик субъектлари томони-дан ишлаб чиқарилмоқда. Учтепа туманида 4600 дан зиёд тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтказил-ган бўлиб, шундан 4100 дан ортқи кичик бизнес субъектидир. Туманда «Электрозолит», «Шайхон-тохуртекстил» ҳамда «Бай-пак текстил» сингари йирик саноат корхоналари фаоли-ят кўрсатмоқда.

Тадбиркорлик субъектла-рининг туман иқтисодиёти-даги салмоғи тобора ошиб бормоқда. Хусусан, 2014 йилда саноат маҳсулотлари-ни ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуси 90,1 фо-изни, хизмат кўрсатишда 56, юк ташишда 94,1, кури-лиш ишларида 93,2 фоиз-ни ташкил этади. Туманда яратилган янги иш ўринла-рининг 67,3 фоизи тадбир-корлар ҳиссасига тўғри ке-лади.

Ўтган йилда туманни иж-тимоий-иқтисодий ривож-лантириш дастури доираси-да ҳудуддаги 292 корхона-га инвестиция киритилиши натижасида касб-ҳунар кол-лежларининг икки мингдан ортқ битирувчиси иш би-лан таъминланди.

— Тадбиркорларнинг қону-ний ҳуқуқ ва манфаатлари-ни ҳимоялаш прокуратура

органларининг фаолият йўналишларидан ҳисоблана-ди, — дейди Учтепа тумани прокурори ёрдамчиси Асрор Тургунов. — Жорий йилнинг ўтган даврида туман проку-ратураси томонидан ўтказил-ган текширувлар натижаси-да тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бу-зилган ўнла ҳолат аниқла-ниб, айбдор шахсларга нис-батан тегишли чоралар қўрилди. Айниқса, режали текширувлар ўтказиш даври-да турли кўнгилсиз ва қонунга зид бўлган ҳолатлар ўрганилиб, жисмоний ва юридик шахслар, шунинг-дек, мансабдор шахсларни ҳам жавобгарликка тортиш мумкин эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Учрашувда маҳаллий дав-лат ҳокимияти органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари томо-нидан тадбиркорлик фаоли-ятининг қонун билан бел-гиланган кафолатлари, уларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари, солиқ ва бож-хона имтиёзларида доир масалалар юзасидан масла-ҳат ва йўл-йўриқлар бе-рилди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Учте-па тумани Ахборот-маслаҳат маркази гуруҳи бошлиғи Ирода Тўлаганованинг таъ-кидлашича, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини юртишда ёш тадбиркорлар ўз лойиҳалари билан жон-бозлик кўрсатишмоқда. Ай-ниқса, лицей ва коллеж би-тирувчиларининг ўз ташаб-буслари билан қиёб, соҳа-ни ривожлантиришга оид янги технологиялар ва усул-лари татбиқ этиш фикри-ни билдирётганликлари қувонарли ҳолдир.

Қамолиддин
ҲАМДАМОВ

Мамлакатимизда ҳар йили анъанавий тарзда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» деб номланувчи қўшиқлар кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Ушбу тадбирларда турли жабҳаларда фаолият юритаётган истеъодли юртдошларимиз иштирок этиб, маҳоратларини намойиш қилмоқдалар.



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН

Ички ишлар идоралари ходимла-ри ўртасида ўтказилаётган ушбу тан-ловнинг Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси миқёсидаги якуний босқичи Ички ишлар вазирлигининг Маданият саройида бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ИИББ идора ва ти-зимлари ўртасида ғолибликни қўлга киритган иштирокчилар ўзларининг Ватанини мадҳ этувчи қўшиқларини йиғилганлар эътиборига ҳавола этишди.

Қатнашчиларнинг барчаси маҳор-атларини намойиш қилганларидан сўнг, ҳакамлар ҳайъати уларнинг ижрочилик маҳорати, сахнада ўзини тутиши, ашула матни, мусиқаси ва бошқа жиҳатлари бўйича балларни эълон қилди. Натижада ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси 2-диагностика бўлинимаси бошлиғи-нинг ўринбосари, сержант Илҳом Ақромов «Жаннат ўлкам» қўшиғи билан биринчи ўрин соҳиби бўлди

ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидagi яку-ний босқичга йўлланма олди.

Танловнинг бошқа қатнашчилари ҳам маҳоратларига қараб тегишли ўринларни эгаллашди ва ҳайъат аъзолари улар тўғрисида ўз фикр-ларини айтиб ўтишди. Барча қат-нашчиларга бош бошқарма раҳба-рияти томонидан совғалар топши-рилди.

Сарвар СОБИРОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг «Ўзбекистонда инновацион фаолиятни янада тақомиллаштиришнинг бугунги ҳолати» мавзусидаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларининг мутасад-дилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иш-тирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўрин-босари Н.Умаров, Фан, таълим, маданият ва спорт масала-лари қўмитаси раиси А.Шодмонов, Ўзбекистон Республика-си Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар-ни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси-нинг ўринбосари О.Парпиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ватанимиз илмий-техник са-лоҳиятини янада мустаҳкамлаш, фан ютуқларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг долзарб масалаларини ҳал этишга йўналтириш масалаларига ўсвор аҳамият қаратила-ётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари илм-фан фаолиятини ривожлантириш, инновацион лойиҳалар ва техно-логияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни рағбатлан-тириш, илмий ҳодимлар меҳнатини қўллаб-қувватлашда янги истиқболларни очиб берди.

Илмий-тадқиқот муассасалари ва илмий-техника дастур-ларни баҳарловчи ташкилотлар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг 5 фоизи миқдорда илмий ҳодимларни моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармалари ташкил этилгани

Ушбу қутлуг Рамазон кунларида ҳам яна мазкур мавзуни давом эттирган ҳолда тўйлардаги дабдабали ҳолатлар ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз. Токи, келгусида тўй ва бошқа маросимлари-миш қадрият ва аънааларимизга мослашиб бораверсин.

«Оммавий маданият»нинг турли кўри-нишлари ҳамда уларнинг миллатимиз маънавиятига кўрсатаётган салбий таъ-сиридан ҳаммамиз хабардор бўлиб ту-рибмиз. Кўплаб матбуот материаллари, телекўрсатув ва радио эшиттиришлари-да «оммавий маданият»нинг ижтимоий ҳаётимизга турли ташқи омиллар асо-сида таъсир кўрсатаётгани таъкидланади. Ўз навбатида, бугунги кунда «оммавий маданият» турларининг ички омиллар асо-сида вужудга келаётганини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

Газетхонларимизни бугун никоҳ тўйи маросимларида хизмат кўрсатувчи хориж автомобилларига ёшлар-нинг муносабати ҳамда иж-тимоий тадқиқотлар натижа-лари билан таништиришни мақсад қилдик.

Никоҳ тўйи учун сўнгги ру-сумдаги қимматбаҳо авто-мобилларни кимўзарга бу-юртма қилиш, автомобил-лар қарвони билан шаҳар кўчаларини тўлдириб юриш, ана шу уюшган сайр лав-ҳалари асосида видео-роликлар ишлаш ва сохта обрў тўплаш учун мазкур видеолавҳаларни ўз саҳи-фалари орқали ижтимоий тармоқларга жойлаштириш тобора одат тусига кириб бормоқда.

Айрим ёшлар видеолав-ҳаларни ижтимоий тармоққа жойлаштириб, тенгдошлари ўртасида носоғлом муҳит-нинг шаклланишига сабаб-чи бўлмоқда. Чунки мазкур видеолавҳаларни кўрган ёшларимизда: «Мен тўйим-ни бундан ҳам зўр ўтказаман, бундан-да яхши видео-ролик тайёрлатиб, ҳаммани лол қолдираман», — деган ноўрин ният пайдо бўлмоқ-да. Баъзи ҳолларда ота-оналар фарзандининг кўнглига қараб, тўй маросимларини ўтказишда катта молиявий қийинчиликларга дуч келмоқда.

Никоҳ маросимларида автомобиллар-нинг нечоғлик аҳамият касб этиши ва бу борада ота-оналар, никоҳ ёшидаги йи-гит-қизлар фикрларини ўрганиш мақса-дида Тошкент шаҳридаги олий таълим му-ассасаларида таълим олаётган йигит-қизлар ўртасида ижтимоий тадқиқотлар ўтказилди.

Ижтимоий сўровларда иштирок этган йи-гитларнинг аксарияти никоҳ тўйига чет эл автомобилларини буюртма қилиш ниятида эканлигини билдиришди. 20 фоиз бўлғуси куёвлар никоҳ тўйи маросимида авто-мобиль қарвонидаги машиналар сони 10 дан ортқ, 70 фоизи 4 тадан 10 тагача бўли-ши, 10 фоизи 2 тадан ошмаслигини кўрса-тиб ўтишди.

Ижтимоий сўровларда йигитлар ўзла-ри учун маъқул бўлаётган автомобил-лар русумларини ҳам белгилашган. Бу-лар — Rolls-Royce Phantom, Mercedes-Benz W222, W221, W221 Pullman, BMW Z4, Porsche Panamera, Pontiac Sosticelardir. Номлари қайд қилинган автомобиллар-нинг хизмат кўрсатиш нархлари ўрга-нилганда 2 миллион сўмдан 6 милли-он сўмгача эканлиги аниқланди. Тўй ма-росимлари учун мўлжалланган автомаши-налар хизмати учун ҳақ тўлаш нархлари никоҳ ёшидаги йигитларнинг 70 фоизига иқтисодий қийинчиликлар туғдиришини, қолган 30 фоизи буни ота-оналари тўлаб беришини билдиришди.

Шу ўринда муҳим бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз. Бугунги кунда Ўзбекистонимиз-да барча замонавий талабларга жавоб бе-рувчи автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Лекин нима учун айрим ёшларимиз тўй сайрларида хорижда чиққан машиналарда юришни исташади?

Бу масала юзасидан йигитларга: «Никоҳ тўйида келин-куёв учун қандай автомобил-

лардан фойдаланган бўлардингиз?» — де-ган савол билан мурожаат қилинганда, уларнинг айримларининг фикрига кўра, чет эл автомобиллари гўё бўлғуси куёвтўра-ларнинг обрўсини кўтарар эмиш.

Тўй маросимини ўтказиш — кўп жиҳатдан оиланинг иқтисодий шароитига боғлиқ. Ёш оила қурувчиларнинг тўй маросимини ўтказишда нечоғлик оилавий шарт-шароитлар-ни ҳисобга олиши ўрганилганда, иштирок-чиларнинг 35 фоизига оилавий шароит-лардан келиб чиққан ҳолда никоҳ тўйига автомобиль буюртма қилишини, 65 фоизи ўз хоҳиш-истаклари устунлигини таъкидлаб ўтишди.

Хўш, дабдабали автомобилларда сайр қилиш фақатгина йигитларнинг «орзу-ҳава-си»ми ёки қизлар ҳам йигитлардек фикр-лайдими?

ДАБДАБАЛИ МАШИНАЛАРДА ТЎЙ САЙЛИНИ ЎТКАЗИШ БАХТ БЕЛГИСИМИ?

«Тошкент оқшоми»нинг шу йил 5 июнь сониди берилган «Яна тўй ва маросимларимиз ҳақида ўйларимиз» мақоласида тўй-ҳашам, маърака-маросимлар, жумладан, никоҳ тўйларидаги дабдабазлик, сохта обрў орттириш ва шунга ўхшаш бир қанча нохуш ҳолатлар, бу борадаги кўп иллатлар танқид остига олинган. Табиийки, бундай салбий ҳолатлар жамиятимизнинг маърифатли вакиллари, фуқароларни ўйлантиряпти. Шу боис Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва «Оқшом» газеталари тахририяти ҳамкорликда никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимлардаги айрим ҳолатларни тизимли ўрганишни мақсад қилди.



Бу масалага ойдинлик киритиш мақса-дида турмуш қуриш ёшидаги қизлар ўрта-сида ҳам ижтимоий сўровлар ўтказилди. Сўровларда иштирок этган қизларнинг 90 фоизи никоҳ тўйининг кўнгилдаги-дек ўтишида автомобиллар русуми ва сони аҳамиятли эмаслигини, тўй ма-росимлари бўлғуси оила аъзоларига қийинчилик туғдирмаслиги лозимлиги-ни қайд этиб ўтишди. Шунингдек, тўй маросимларида Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилган автомобилларда сайр қилиш улар учун фахрли бўлиши-ни таъкидлашди. Қолаверса, турмуш қураётган қизлар қимматбаҳо автомаши-налар хизматидан фойдаланмасдан, унга сарфланадиган маблағ эвазига рўзғор учун муҳим бўлган, кундалик ҳаётда фойдала-ниладиган маиший техника воситаларини харид қилиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида фикрлар билдиришди.

Тўй маросимларини ўтказишда ҳар жи-ҳатдан ота-оналарнинг фикри устун бўли-ши керак. Чунки тўй маросимида сарф-харажатларнинг асосий қисми улар маблағи ҳисобидан бўлади. Тўй маросими учун авто-мобиль танлашда ҳам ота-онанинг қаро-ри муҳим аҳамият касб этади.

Ота-оналар ўртасида ўтказилган ижтимо-ий сўровларда уларнинг 70 фоизи никоҳ маросими учун автомобиль ёллашда иқти-содий қийинчилик ҳолатлари келиб чиқа-ётганини, 30 фоизи эса фарзандининг хо-ҳишини амалга ошириш муҳимлигини таъ-кидлаб ўтди.

Ота-оналарнинг 85 фоизи тўйларда хиз-мат кўрсатаётган автомобилларнинг нарх-лари уларни қониқтирмаслиги ва аҳоли тур-ли қатламларининг иқтисодий даромадла-ри ҳисобга олинмасдан белгиланаётгани юзасидан ўз эътирозларини билдиришди. Шунингдек, Ўзбекистонимизда ишлаб чи-қарилган автомобиллардан фойдаланиш-нинг ҳар томонлама қулайлиги ота-оналар томонидан эътироф этилди.

Мулоҳаза учун мавзу

Бундан ташқари, сўровлар даврида хо-риж автомобиллари учун тўловларнинг но-қонуний равишда чет эл валютасида тўла-ниши шарт қилиб қўйилаётгани ойлик мао-шини миллий валюта ва пластик карточка-лар орқали оладиган аксарият ота-оналар учун катта қийинчилик туғдираётгани аниқ-ланди. Сўров иштирокчиларининг 85 фои-зи ушбу хизмат турларини кўрсатувчи жисмоний шахслар фаолиятини ноқонуний фаолият деб билишини, хизматлар лицен-зияга эга эмаслигини кўрсатиб ўтди.

Ўтказилган ижтимоий сўровлар яқунла-рига кўра, тўй маросимида чет эл авто-мобилдан фойдаланишга асосан, йигитлар иштиёқманд бўлиб, улар учун бундай авто-мобиллар хизматидан фойдаланиш сох-та обрў орттириш воситасига айлангани маълум бўлди. Улар томонидан ота-она-

ларга турли талабларнинг қўйилиши, иқтисодий қийин-чиликлар билан бирга, кўплаб келишмовчиликлар-га ҳам сабаб бўлмоқда.

Шулардан келиб чи-киб, ижтимоий тадқиқот давомида мазкур ҳолатлар-нинг олдини олиш, тўйлар-ни ихчам ва камхарж ўтказиш юзасидан бил-дирилган қуйидаги так-лифларни азиз газетхон-ларимиз эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

Авалло, автомобиллар ор-қали хизмат кўрсатувчи шахслар фаолиятини қону-ний тартибда йўлга қўйиш, нархларни камайтириш ва назорат қилиш, хизматлар учун тўловни миллий валю-тада нақд ёки пластик кар-точкалар орқали амалга оширишни жорий этиш, шу-нингдек, тўй маросимлари-даги автомобиллар сонини камайтириш, тегишли таш-килотлар томонидан никоҳ ёшидаги ёшларга, айниқса, йигитларга тўйларни ихчам ва камхарж ўтказиш бўйича атрофлича тушунтириш иш-ларини олиб бориш, мазкур масалани кенг жамоатчилик иштирокида телерадиока-наллар орқали ёритиш, бос-

ма ва электрон оммавий ахборот восита-ларида мавзу юзасидан мунтазам мақола-лар бериб бориш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Бу ишларни амалга оширишда жамоат ташкилотлари фаолиятини кучайтириш — жуда муҳим. Жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати никоҳ ёшидаги йигит-қизларимиз ўртасида никоҳ мароси-ларини тартибли, урф-одатларимизга мос равишда ўтказиш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириши зарур.


Маҳаллаларда обрў-эътиборли отахону онахонларнинг тўй қилаётган оилаларга тўй маросимларини ўтказиш юзасидан ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда фойдали ва ўринли маслаҳатлар бериб бориши никоҳ маросимларини ихчам ва файзли ўтказишда дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Ушбу таклифларни ҳаётга татбиқ этиш ҳар биримиздан жиддий эътибор ва юк-сак масъулият талаб қилади. Қолавер-са, тўй маросимларида қад бўлиб бора-ётган турли иллатларнинг олдини олиш — бевосита таълим-тарбия ишларини са-марали ташкил этишга ҳам боғлиқ. Қун-дан-кунга Фарб мамлакатларидан ҳаёт-имизга кириб келаётган ёт одатлардан кўра ўзимизнинг миллий урф-одатлари-мизнинг тўй маросимлари билан боғлиқ нодир кўринишларини кенгроқ тарғиб қилишимиз лозим.

Барчамизнинг тилагимиз бир: ёшларимиз бахтли ҳаёт кечирсин, никоҳ тўйидаги машмашалар икки ёшнинг келажакдаги ҳаётига молиявий жиҳатдан ҳам, маънавий тарафдан ҳам раҳна солмасин, деймиз.

Шундай экан, ёшларимиз бахти — «дабдабали тўй» гирдобига ўралиб қолмасин.

**Бехзод СУЛТОНОВ,
Шухрат НАВРЎЗОВ,
Очил ҲАЗРАТОВ**



ЯХШИЛИК ҲАҚИДА

Дунёда энг яхши иш — холис ва пок ният билан қилинган иш-дир.

Яхшилик — қалбда яшайди, ёмонлик — ўжар бошдан жой излайди.

Алишер Навоий айтади:

— Яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам қилма.

Машхур донишманд Бузург-меҳрдан:

— Инсоф нима? — деб сўра-дилар.

— Инсоф — одамнинг ўзига нимани раво кўрса, бошқа ки-шига ҳам шуни раво кўриши-дир, — деб жавоб берди у.

— Энг яхши одам ким?

— Ақлли одам.

— Қандай кишини ақлли одам деса бўлади?

— Ақлли одам ўйламасдан бирор ишга киришмайди.

Байт:

Кимки хушхулқ доимо

бўлғай омон,

Яхшилик қилса сира

етмас зиён.

Яхшилик яхши ном келтиради. Саховат эса кишини бахтиёр қилади.

Худбинлик инсонга заво-л келтиради. Кимки худбин бўлса, халқ назаридан қолади.

Байт:

Ўзни паст олди-ю ўсиб

чикди дон,

Қамиш бош кўтариб

эгилди гирён.

Донлар яхши ёки ёмон хулқ-ли бўлишни оилага боғлайди-лар. Чиройли хулқ офтобга ўхшайди, офтоб музни эритган-ни ёки сув тузни эритиб юбор-гани каби чиройли хулқ ҳам барча ёмонлиқни эритиб юбо-ради.

Байт:

Билимдонлик ажаб

яхши матодир,

Бу бойликсиз қолган

катта хатодир.

Диққат, танлов!


Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, Ўзбекистон Республикаси Табиотини муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўзбеккино»

Миллий агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Фанлар академияси, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва маффура илмий-амалий маркази

Ўзбекистонда ёшлар туризмни ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳияти, жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тарғиб қилиш; медиамаҳсулотларнинг кенг тарқалган тури — видео-роликлар ёрдамида мамлакатимизнинг туризм салоҳияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш; ёшларда юртимиздаги бунёдкорлик ва янгиланишларга нисбатан фахр туйғуларини шакллантириш; миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда келажак авлодларга етказиш мақсадида «Янги нигоҳ» ви-деороликлар танловини эълон қилади. Танловга ижодий ишлар 2015 йилнинг 1 сентябрга қадар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман ва шаҳар кенгашларида қабул қилинади. Батафсил маълумотларни (0-371) 241-02-72, 241-00-50 телефон рақамлари ёки www.videotanlov.uz сайтидан олиш мумкин.

Олтинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биноси қачон фойдаланишга топширилган?

Тазквондо

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ
МУВАФФАҚИЯТИ

Мельбурн шаҳрида ўтказилган тазквондо (WTF) бўйича Австралия очик чемпионатида Ўзбекистон спортчилари биттадан олтин ва кумуш медални қўлга киритди.

Дунёнинг қирқдан зиёд давлати вакиллари иштирок этган нуфузли турнирда спортчилар совринли ўринлар билан бирга 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи муҳим рейтинг очколари учун бахшланди.

Мусобақанинг дастлабки кунда тазквондо (WTF) бўйича жаҳон чемпион

пиони Дмитрий Шокин шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилгани ҳақида хабар берган эдик.

Яна бир тажрибали спортчимиз, Осиё ўйинлари ғолиби Жасур Бойқўзиёев вазни 87 килограммгача бўлган тазквондочилар ўртасидаги финалгача бўлган бахсларда ғалаба қозониб, кумуш медал билан тақдирланди.

Байрам АЙТМУРОВОД

Мамлакатимизда Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган теннис жадал ривожланмоқда. Бунинг самарасида маҳоратли теннисчилар етишиб, нуфузли мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Теннис

ДЕНИС ИСТОМИН ХАЛҚАРО ТУРНИР
ҒОЛИБИ

Денис Истомин ана шундай спортчилардан бири. У шу кунга қадар «Челленджер», «Фьючерс» ва АТР таснифига кирувчи нуфузли мусобақаларда ўндан зиёд ғалабаларни қўлга киритган. Денис Буюк Британиянинг Ноттенгем шаҳрида Професионал теннисчилар уюшмаси – АТР

туркумига кирувчи «Aegon Nottingham Open – 2015» халқаро турнирида ҳам юксак савияда ўйин намойиш этиб, бош совринни қўлга киритди. У мусобақада испаниялик Николас Алмагро, аргентиналик Хуан Монтеро, украиналик Сергей Стаховский, аргентиналик Леонардо

Майер ҳамда кипрлик Маркос Багдатисни мағлубиятга учратиб, финалга йўл олди. Хал қилувчи бахсда АҚШ вакили Сэм Куэррини ҳар иккала сетда 7:6 ҳисобида енгиб, мусобақа ғолибига айланди.

Ж.ТОШХҲАЕВ,
Ўза муҳбири

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раҳбарияти ташаббуси билан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида ўтказиб келинган «Соғломжон – полвонжон» мусобақаси аънавага кўра, уч босқичда ташкил қилиниб, якуний турда энг юқори кўрсаткичга эришган Мировод, Юнусобод, Чилонзор тумани вакиллари Журжоний маҳалласидаги 26-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби майдончасига тўпландилар. Ҳар бир жамоа 8 нафар тарбияланувчидан ташкил топган бўлиб, ўғил-қизлар сони теппа-тегдир.

Мусобақалар

СОҒЛОМ БОЛА — ПОЛВОН
БОЛА

Мусобақа «Кўвноқ стартлар» билан бошланди. Иштирокчилар 30 метрлик масофани айланиб қайтиши, ракеткага теннис шарчасини қўйиб югуриши, ҳалқа ичидан ўтиб, марранга айланиб жойига қайтиши, копток билан белгиланган маррага югуриб бориши керак. Худди шу ҳаракатни унинг шериги тезкорлик билан давом эттиради. Охириги бола ўйинни биринчи бўлиб тугатса, ўша жамоага максимал балл қўйилади.

Ҳа, кичкинтойларнинг эпчил ва чакқон ҳаракат қилишларини, баъзан машқни кечиктириб қўйишлари томошабинларга завқ берарди. Ҳар бир жамоанинг олқишлаб туриш учун келишган хайрихоҳлари бор. Шу тариқа ҳар бир жамоанинг 8 нафар тарбияланувчиси аввало, ўзининг нимага қодирлигини кўрсатган бўлса, тумани шаънини ҳимоялаш ҳисси уларни қатъий курашга чорлаган бўлса, ажаб эмас.

— Соғлом бола фақат ота-онанинг эмас, балки бутун жамиятнинг орзу-си. Бу орзунинг ушалишига узлуксиз таълим бўғинининг илк шохоб-часи мактабгача таълим даргоҳлари пойдевор яратди. Шаҳримизда ҳар

«Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўн та саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририятига ёки gazeta-vto@mail.uz, info@tashkent.uz электрон манзиллари-га йўлланishi лозим.

Мурожаат учун телефонлар:
233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

Ёшларга оид давлат
сиёсати — амалдаТАРҒИБОТ-
ТАШВИҚОТ
ИШЛАРИ ОЛИБ
БОРИЛДИ

Мировод туманидаги «Оқ уй» маҳалласида «Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари» мавзусида семинар ўтказилди.

Семинар «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, психологлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда ёшлар қатнашди.

«Ёшлар «Қамолот» билан!» лойиҳаси доирасида ташкил этилган тарғибот тадбири ёш мавсумида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва диний-маърифий дунёқарашларини шакллантириш, вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилди.

— Тарғибот гуруҳлари томонидан ташкил этилган бир кунлик намунали ўқув-семинарда маҳаллалардаги фуқаролар ва ёшлар учун вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда ёш мавсумида уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун яратилган шарт-шароитлар ва тўғрақлар тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилди, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Акмал Жумабоев.

Тадбирда вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида жамоат ташкилотларининг ўрни ва Ўзбекистон Республикасида шу йўналишда қабул қилинган бир қатор норматив ҳужжатларни маҳаллалардаги фуқаролар ва ёшларга тушунтириш билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмалари янада мустаҳкамланди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KOSCHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
қўйидагиларни маълум қилади!

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 11 июндаги 144 к-П-сонли буйруғига асосан, «Koschmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг очик аукцион савдоларига чиқарилган Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Марказ-2, 5-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 3457 кв. метрдан иборат собиқ «Болалар дунёси» универмага биноси аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

Асос: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 1 июлдаги 06/154х/х-сонли хати ва 2015 йил 29 июндаги 104 к-П-сонли буйруғи.

Манзилнинг: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-80-26. Лицензия: RR-0001.

Олмазор туманидаги 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Ортикова Саодат Хайрихановнага Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2013 йил 19 февралда берилган № 0056 сонли рухсатнома, Олмазор тумани ИИБ томонидан 07.05.2015 йилда берилган АА 1350936 сонли фуқаролик паспорти, нафақа олиш тўғрисидаги гувоҳнома си йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"102" хабарлари

МАҚСАДИ АМАЛГА ОШМАДИ

Қорақалпоғистон Республикасида Тошкентга ишлагани келган Н.Турдибоев Юнусобод туманидаги хонадонлардан бирида иш бошлайди. Кунларнинг бирида у ишлаётган

ган уйга кимдир кириб, ҳеч ким йўқлигини фойдаланиб, хонадон соҳибига тегишли бўлган 250000 сўмлик «Хаммер» перфоратори, 200000 сўмлик телевизор, 50000

сўмлик радиоприёмник, 150000 сўмлик «Nokia 108» русумли уяли телефон аппаратурини ва турли хилдаги электр қувват олиш мосламаларини ўғирлаб кетмоқчи бўлади.

Бироқ унинг мақсади амалга ошмай қолди. Шу атрофда хизмат вази-фисарини ўқиб юрган ички ишлар идоралари ҳатматлари йўриш ўз вақтида қўлга олиб, туман ИИБга олиб келиб топширишди.

УЗОҚҚА КЕТА ОЛМАДИ

Тун қоронғусида икки шарпа Шайхонтоҳур тумани, Қоратўш мавзесидаги хонадонларнинг бирига яқинлашди. Улар эшик қулфини бузиб кириб, у ёқ-бу ёққа олазарак боқишди. Ҳеч ким йўқлиги ишонч ҳосил қилишгач, хонадондаги икки хил турдаги 1500000 сўмлик сариқ металлдан ясалган тақинчоқлар ва 3965000 сўмлик уй-рўзгор буюмларини ўғирлаб, жуфтаникни ростлашди.

Орадан бир оз вақт ўтиб, хонадон эгаси Д.Жавлиева келади ва уйда нарсалари йўқолганлигини кўриб, «102»га сими қоқайди. Тез орада бу жиноятни амалга оширган шахслар 1969 йилда туғилган П.Саидов ва 1993 йилда таваллуд топган Ю.Эшназаровлар қўлга олинди ва қонун ҳукмига топширилди.

УЙ ЭГАСИНИ
ЧАЛҒИТИБ

Бўстонлик туманида яшовчи О.Лутфуллаева Тошкент шаҳрига иш қидириб келади. У Мирзо Улуғбек туманида фуқаро Р.Олимовниқига келиб, уй юмушларини бажара бошлайди. Аммо аёл бўла туриб, қўли эгрилик қилади. Уй эгаси бошқа ишлар билан овора бўлиб юрганида меҳмонхонага кириб, диван остида турган 11300 АҚШ долларини олиб, воқеа жойидан йироқлашади.

Бироқ ўғри узоққа кета олмайди. Ўз ишининг мохирлари — ички ишлар идоралари ходимлари унинг йўлини тўсишди. Энди бу кимса қилмиши учун жавоб бериши тайин.

ЭШИКНИ БУЗИБ ОЧДИ,
БИРОҚ...

Яшнобод туманида яшовчи О.Давидов ва Бектемир туманида истиқомат қилувчи Ж.Эркиновлар осон пул топиш мақсадида Сергели туманига келишди. Иккиси туманда жойлашган супермаркет олдига қаровсиз қолдирилган, Шайхонтоҳур туманидаги яшовчи С.Меликуловга тегишли бўлган «Ласетти» русумли автоуловнинг эшик қулфини бузиб, салондан нарсаларини олиб кетмоқчи бўлиб турганида шу ҳудудда хизмат олиб бораётган ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ушланди. Ҳозирда ушбу қилмиш юзасидан тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

ФИЛДИРАКНИ ЎҒИРЛАЁТИБ

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида истиқомат қилувчи 1971 йилда туғилган Р.Давронов пойтахтга иш билан келади. У ўзининг юк автоуловини Чилонзор туманидаги уйларнинг бири олдига қўйиб, ўзи шу ердаги бир хонадонга кириб кетади. Қайтиб чиқса, автомашинасининг 2000000 сўмлик захира филдиракларини жойида йўқ эди. Жабрланувчи энди ички ишлар идоралари ходимларига

хабар бермоқчи бўлиб турганида икки нафар ходим, филдиракларни олиб қочиб кетган фуқарони ушлаб келиб қолди. Ўғри 1977 йилда таваллуд топган Юнусобод туманида яшовчи Л.Фозилов экан.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тезкор хабарлари асосида С.СОБИРОВ тайёрлади



40-42 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 3 июль кунини Тош-

Тошкент шаҳрида кент шахрининг об-ҳаво 3 июль кунини ҳаво ўзгариб шароити шаҳар ҳаво му- туради, ёғингарчилик ҳатида зарарли моддалар бўлмайди. Шарқдан секун- нинг бир оз тарқалиб ке- дига 3-8 метр тезликда тишига имконият ярата- шамол эсади. Ҳарорат ке- ди, ифлослашиш даражаси часи — 25-27, кундузи — паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилнинг: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г-755

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6711 нускада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов
Топшириш вақти: 13.00
Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ